

## МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-671-676>

**Раматов Жуманиёз Султанович**

ТДТрУ кафедра мудир, фалсафа фанлари доктори, профессор

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада мафкуравий таҳдидларни олдини олишга оид миллий тарбияни такомиллаштириш, болалар адабиётига, болалар учун мўлжалланган санъат сохаларини ривожлантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини юқори босқичга кўтариш, жамият фидоийлари бўлган касб вакилларини мамлакат миқёсида танитиш каби мулоҳазалар ва таклифлар берилган.*

**Калит сўзлар:** *миллий мафкура, мафкуравий таҳдидлар, миллатчилик, шовинизм, “ахборот асри”, мафкуравий иммунитет.*

### АННОТАЦИЯ

*В статье предлагаются предложения и предложения по совершенствованию отечественного образования по предупреждению идеологических угроз, развитию детской литературы, детского творчества, просветительской деятельности, популяризации самоотверженных специалистов в стране.*

**Ключевые слова:** *национальная идеология, идеологические угрозы, национализм, шовинизм, «информационный век», идеологический иммунитет.*

### ABSTRACT

*The article offers proposals and proposals for improving domestic education in the prevention of ideological threats, the development of children's literature, children's creativity, educational activities, and the popularization of selfless specialists in the country*

**Keywords:** *national ideology, ideological threats, nationalism, chauvinism, "century of information", ideological immunity.*

### КИРИШ

Инсониятнинг бутун тарихи давомида рўй берган босқинчилик урушлари, давлат ва минтақалар ўртасидаги зиддиятлардан маълумки, ўзга юртларни босиб олишга ҳаракат қилган, бошқа халқларни тобе қилишга интилган босқинчилар ўз ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало, мазлум халқларнинг

тарихий хотирасини ўчиришга, миллий маънавий ва маданий анъаналаридан маҳрум қилиш йўлини тутганлар.

Сўнги ўн йилликларда содир бўлган ва бўлаётган воқеалар шундан далолат бераптики, ҳозирги вақтда турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар кўпроқ мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар ва бунинг учун энг замонавий ахборот воситаларини ишга солмоқдалар. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва коммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм каби инсонийликка зид мафкуралар бутун дунё хавфсизлигига раҳна солмоқда

Ҳозирги ахборотлаштириш, компьютер ва телекоммуникация даврида ахборот нафақат иқтисодий, ижтимоий ривожланишнинг, балки ва аввало, дунёқарашни шакллантириш, маънавий-ахлоқий кадриятларни кишилар онгига сингдиришнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда. Зеро, ғоявий иммунитетни у ёки бу ахборотни яшириш, таъқиқлаш йўли билан шакллантириб бўлмайди. Кабель телевидениеси, спутникли антенналар, интернет тармоқларига уланиш имконияти тобора кўпроқ ҳаётимиздан ўрин олаётган, одатий ҳолга айланаётган бир пайтда кишилар ҳар қандай, жумладан зарарли, ёлғон, бўҳтон характердаги ахборотни ҳам бевосита бўлмаса, билвосита олиш имкониятига эга. Демак, фақат тўғри, ишончли ахборотни узатиш, кишиларни маънавий ва интеллектуал билимлар билан қуроллантириш йўли билан ғоявий иммунитетни шакллантириш, кишиларнинг онги, тафаккуридаги бўшлиқни бунёдкор ғоялар билан тўлдириш мумкин. “Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат” тамойилининг мазмун-моҳияти ҳам шунда. Шу маънода айтиш мумкинки, аксарият йўлдан адашганларнинг онгу-тафаккури шаклланмагани, ақли ва билимининг етишмагани бир жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот воситалари орқали ўз вақтида тўғри маълумотларни бериб боришга эътиборсизликка бориб тақалади. Бундай вазиятда одам олган билими, эгаллаган маърифати асосида шаклланадиган ўз мустақил фикрига, аниқ дунёқарашига, собит эътиқодига, ҳаётининг таянчига айланган миллий маънавий-ахлоқий кадриятларига ва мустаҳкам иродасига эга бўлмаса мафкуравий тазйиқларга бардош бериши қийин.

Жаҳон сиёсий харитасида кўплаб давлатлар мавжуд. Уларнинг ҳар бирини ўзгалардан фарқ қиладиган миллий манфаатлари бор. Айнан мана шу манфаатлар улкан ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади ва у ўзга давлатлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар онгига, дунёқарашига, турмуш тарзига таъсир ўтказиш, ўзларига бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни

шакллантиради. Бундан мақсад, муайян иқтисодий, сиёсий ва диний қарашларни сингдириш орқали турли кўринишдаги эҳтиёжларни қондиришга интилишдир. Бундай интилиш турли воситалар ва йўллардан фойдаланишни, уларнинг доимий такомиллашиб боришини келтириб чиқармоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, «баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мутфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланadi».

Шунинг билан бир қаторда бугун дунёнинг барча минтақаларида глобаллашув жараёни ижтимоий-маданий ҳодисаларга ҳам ўзининг турлича таъсирини ўтказмоқда. Бундай таъсирнинг бир хил эмаслиги дунё мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва геосиёсий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Оламда юз бераётган бу каби шиддатли жараёнларнинг авж олиши шароитида миллий маънавиятга қаратилган таҳдидлар тобора ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби маънавиятнинг миллат онги, дунёқараши ва менталитетини ташкил этиш билан боғлиқдир. Уларни турли хил замонавий усул ва воситалар ёрдамида ўзгартириш орқали миллатни, мамлакатни ва унинг барча бойликларини қўлга киритиш мумкин бўлади. Маънавиятнинг инқирозга юз тутиши, албатта, мамлакатнинг тараққиётдан орқада қолишига, бошқа давлатларнинг измида бўлишига олиб келади. Шу боис, Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислон Каримов маънавий таҳдидларнинг ҳалокатли куч эканлиги, унга қарши чора-тадбирлар кўриш зарурлиги тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, “ахборот асри” деб номланган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, ахвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак”[1;12-13].

Демак хозирги кунда жамиятимиз олдида турган асосий вазифалардан бири турли хилдаги мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларига қарши курашишнинг самарали йўллари, усуллари ва воситаларини яратиш орқали ёшларимизда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдан иборатдир. Мафкуравий ва ахборот таҳдидларининг олдини олишнинг қуйидаги айрим механизмларига тўхталсак:

1. Миллий тарбияни такомиллаштириш орқали таҳдидбардош ёшларни вояга етказиш.

Маълумки, тарбиянинг бошланғич нуқтаси бу – оиладир. Шарқ халқлари учун оила муқаддас маскан. Чунки оиланинг мустақкамлиги, унинг тинчлиги ва осойишталиги давлатнинг мустақкамлиги ва осойишталигини таъминловчи манба, десак хато қилмаган бўламиз. Шу боис, бизда оила масаласи давлат сиёсати мақомидаги масаладир.

Маълумки, “Таълим тўғрисида”ги қонунда таълимнинг куйидаги турлари келтирилган: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим. Давлат бюджетидан таълим соҳасига ажратилган маблағнинг асосий қисми, энг аввало, олий таълимга ажратилар эди. Бу тушунарли ҳолат, чунки олий таълим жамият эҳтиёжи учун зарур мутахассис кадрларни тайёрлайди. Ажратилган маблағнинг қолган қисмлари эса “қолдиқ тамойили” асосида таълимнинг қолган турларига тақсимланарди. Мактабгача таълимга навбат келганда маблағнинг арзимаган қисми қоларди. Бу соҳадаги хорижий тажриба, хусусан, Япония тажрибаси ўрганилганда тамоман бошқача ёндашув аниқланган. Япония мактабларида болаларга 5 синфгача фанлар ўқитилмас экан. Уларга япон тили, тарихи, одоби, ахлоқи, урф-одат ва анъаналари, байрам ва маросимлари ўқитилар экан. Уларнинг фикрича, болага дастлаб тарбия бериш керак. Билим бериш ҳеч қачон кеч бўлмайди. Тарбияда эса кеч қолиш мумкин. Иккинчи жаҳон урушидан энг оғир аҳволда чиққан давлатлардан бири Япония эди. Орадан ўтган қисқа даврдан сўнг Япония дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллади.

2. Болалар адабиётига, умуман болалар учун мўлжалланган мусиқа, ашула, театр, кино асарлари яратишга эътибор кучайтирилиши, бундай асарларни яратувчилар учун пухта ўйланган рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилиши керак.

3. Тарғибот-ташвиқот ишларини юқори босқичга кўтариш. Таққослаш учун собиқ иттифоқ тарғибот тизимини кўрадиган бўлсак. Совет мафкуравий-сиёсий тизими ўзбек халқининг миллий ғурурини, мустақиллик ғоясини, унинг курашчиларини мафкуравий янчиш мақсадида минглаб маърифий-сиёсий оқартув бўлимларини очди. Ўзбек халқининг тафаккурини советлаштиришга илмий асосда ёндашув уларнинг мафкур мақсадларига тезроқ етказди: совет декретлари, партия анжуманлари, Конституция тарғиботи, “Билим” жамияти аъзолари ҳудудларда юриб, совет тузуми моҳиятини тушунтиришлар, театр, концерт, кўргазма, маърузалар, кино, қироатхоналарни ишга солишди.

Агитпоезд, агитпароход, клуб, “қизил чойхоналар”, сиёсий суҳбат, диспут, жанговар варақалар, “Чақмоқ”, кинолекторий каби тарғибот-ташвиқотнинг юзлаб усулларидан фойдаланиб, шўролар ҳукумати ўз мафкурасини халқимиз онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Коммунистик мафкурага зид бўлган ҳар қандай фикр, ғоя, бадиий асар муаллифи қаттиқ таъқиб остига олинган. Яқин тарихдан сабоқ шундан иборатки, жамиятимизда тарғибот-ташвиқот фаолияти учун шундай кенг имкониятлар, ахборот воситаларининг энг замонавий технологиялари яратилганки, булардан самарали фойдаланиш орқали ҳар қандай хатарли таҳдидларга жавоб бера оладиган ёшларни вояга етказиш мумкин.

4. Жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб, мамлакат тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидоий, элга ва ватанга садоқатли, ватанпарвар инсонлар, масалан, мактаб ўқитувчиси, жаррох, темир йўлчи, фермер, академик, ҳайдовчи ва хоказо касб вакилларини замонамиз қаҳрамонлари сифатида юртга танитиш.

## ХУЛОСА

Бунинг учун уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид бадиий асарлар, кинофильмлар, театр асарлари, ҳужжатли фильмлар яратиш зарур. Уларнинг портретлари мактаб, коллеж, лицей, олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маданият саройлари, кутубхоналар, кино ва концерт заллари фойеларида, хатто метро бекатларида бўлса, ёш авлодга ўрнак олиш, тақлид қилиш, интилиш учун имкониятлар яратган бўлар эдик. Ўз пайтида ижод аҳлига кино, телевидение ва театрларимизда замонамиз қаҳрамонлари образларини яратиш тўғрисида ниҳоятда зарур кўрсатмалар берган эди. Лекин, афсуски, бу вазифа кўнгилдагидек бажарилмади. Чунки фарзандларимиз ўзимизнинг миллий қаҳрамонларимизни билмаса, у ҳолда, четдан “қаҳрамон” излаб топади. У топган “қаҳрамон” банклардаги сейфларни очиб, пул ўмарадиган ўғрими, одам ўлдиришдан тап тортмайдиган ашаддий каллакесарми, инсонларнинг маблағларини турли замонавий усуллар билан ўзлаштирадиган фирибгарми, буниси энди бизга номаълум. Айтишадик, агар биз ўз фарзандларимизни ўзимиз тарбияламасак, уларни “тарбияловчилар” бир зумда топилади.

## REFERENCES

1. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

2. Muxtarov, A. (2020). Психологиянинг XXI асдаги ривожі. Архив научных исследований.
3. Muxtarov, A. (2020). Демократія ва фуқаролик жаміяти . Архив научных исследований.
4. Muminov, A., Muminov, O., & Norov, S. (2020). Social partnership in uzbekistan: Status and prospects. International Journal of Scientific and Technology Research, 9(2), 5876-5878.
5. Muxtarov, A. (2020). ИМАМ БУКХАРИ-ТНЕ GREAT HADITH EXPERT Архив научных исследований.
6. Muxtarov, A. Олий таълимда замонавий инновациялар. Архив научных исследований.
7. Muminov, A. (2017). Makhalla as the Center and the Conductor of Socio-political Development in Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 4(48), 103-107.